



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил
16 июнь
ЧОРШАНБА
№ 47
(12.267)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

ҒАЛЛА – 2010

ШУ СОНГА МАКТУБ

НОТАРИАТ ИНСТИТУТИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги тегишли қарорини бажариш юзасидан қарор қабул қилди.

Мазкур қарорга кўра 2010 йил 15 майдан бошлаб республика ҳудудида нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилиниб, нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божи суммасининг 75 фоизи маҳаллий бюджет даромадига, 12 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга, 15 фоизи маблағларни адлия органларининг ғазна ҳисоб-варақларида жамлаш йўли билан давлат нотариал идоралари ва нотариал архивларни молиялаштиришга тақсимланиши белгилаб қўйилди.

Тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш йўлига нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи суммасидан ажратмалар, нотариал идоралар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча

хизматлар кўрсатилганлиги учун тушумлар, герб йиғими, Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари давлат нотариал идораларини, нотариал архивларни ҳамда ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш харажатларини молиялаштириш манбалари этиб белгиланди.

Қарорда шаҳар ва туман ҳокимликлари, Давлат мулкни хусусийлаштириш бўлимлари марказлари бир ой муддатда янгидан ташкил этилаётган нотариал идоралар ва нотариал архивларни белгиланган талабларга жавоб берадиган, фуқароларга хизмат кўрсатиш учун қулай жойда жойлашган хоналар билан таъминлаш назарда тутилган.



БОШОҚНИНГ ТЎҚЛИГИ – ХИРМОННИНГ БУТЛИГИ

Дехқон ўроққа келган бўғдойзорни оралаганда, чеҳраси ёришиб, юзига табассум югурдими, билингки, ҳосилдан кўнгли тўлган, қилган меҳнатига рози.

– Бўғдойзорларимизни оралаган сари чарчоғимиз тарқаб, гайратимиз ортаётди, – дейди Чиноз туманидаги "Сама" фермер хўжалиги раҳбари Собир Эрмухамедов. – Ҳадемай ҳосилни саранжомлаб олиб, бор кучимизни ғуза парваришига қаратамиз. Ўзимизнинг ривожини ҳам чакки эмас. Ҳар тупда 4-5 тадан шона бор.

Биринчи гулни кўрадиган кунлар яқинлашиб қолди. Фермер ўн йил бурун 5 гектар богда фаолият бошлаган эди. Мана бугун у энг йирик фермерлардан бири.

СУРАТДА: Собир Эрмухамедов иш бошқарувчи Юнусхўмад Юсуфалиев билан қомбайн тушиши олдидан ҳосилни чамалаб кўришяпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

292 гектар ери бор. 115 гектарда пахта, 143 гектарда ғалла етиштиряпти. Шу орқали 45 кишини доимий иш жойи, демак, шунча оилани муҳим даромад манбаи билан таъминлаган. Ўзининг айтишича, аҳолига ҳар ойда ўртача 100 минг сум атрофида маош тўлаб боради.

МАЪРИФАТ

Илк таълим даргоҳи – мактабларда шунадай касб эгалари борки, уларнинг ўқувчилари билими тўқис ва дунёқараш кенг бўлмайди. Булар билим манбаининг ҳазиначилари – кутубхоначилардир. Болалигимда кутубхона ҳақиқий ҳазина, сирли бир маъво, ҳаёт

атамимиз гўзал оламга ягона дарича бўлиб кўринади. Ўқувчилар учун энг доно ва улуғ зот ҳисобланмиш устозларнинг ҳам кутубхоначилигига ўзгача ҳурмат билан муносабат этилганда, у кўзимизга дунёдаги энг билимдон инсон бўлиб кўринади эми...

КИТОБ – МАЪНАВИЙ
БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Мана, орадан йиллар ўтиб, яна мактаб кутубхоначилиги билан кўнрақ юз ўтирибман. Сўхбатдошим – Гулназа Ражабова – Ангреннинг Лаҳкариқ қишлоғидаги 31-мактабда меҳнат қилади. Бир пайтлар шу мактабда ўқиб, энди ёш ҳамкишлоқларининг саводини такомилга етказиш учун хизмат қилаётган ҳодимлардан. Ишдан қўли бўшаган пайтини

пойлаб, кутубхоначини гапга соламан: – Кутубхоначи деганда китоблар орасида, стол ортисида мудраб ўтирган аёлни тасаввур қилишадими, кўпинча... – Нега энди, китоб бериб, китоб оламан, дафтар ва карточкаларнинг саводини такомилга етказиш учун хизмат қилиб турамиз-ку! Бу ахир (қулади) иш эмасми?! Албатта, бу

ҳазил. Тасаввур (жиддийлашиб) ўз йўлига, аммо, ўрни келганда, кутубхоначилик ўқитувчиликдан ҳам масъулиятлироқ касб, дегим келади. Ўзининг ўйлаб кўриниши, ёш болангиз қандай овқат еб-ичишига бефарқ бўлмайсиз. Чунки, бу болангизнинг жисмоний соғломлиги билан боғлиқ масала, шу боис бу борада пухтаман.

(Давоми 4-бетда).

ИНДИГОФЕРА СИНОВДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тупроқ-экологик таълим ва яхшилаш индигофера ўсимлигининг аҳамияти ҳамда табиий бўёқлар биотехнологиясига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

Индигофера – тропик ўсимлиги. Баргидан дунёга машҳур мовий индиго бўёғи олинади. У энг чидамли, экологик тоза маҳсулот бўлиб, бўялган мато узок вақт рангини йўқотмайди. Мазкур бўёққа табиий равиш билан бўёқлаб ортиб бормоқда. Шу боис 2005 йилдан буён ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон

Республикаси, Хоразм, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бу борада энг таъжиббахш натижага эришилди. Индигофера экилган майдонларни кенгайтириш яхши самара бериши аниқланди. Индигоферани шўр-хок, унмудорлиги нисбатан паст майдонларда экиш яхши самара беради, – дейди Урганч давлат университети доценти Озод Рабинов. – Натижада тупроқ унмудор-

лиги яхшиланиб, шўрланмиш сезиларли даражада қамаяди. Тадбирда фермерлар ушбу ўсимлиқни экиш ва парваришlash технологияси билан таништирилди. Фермерларга техника ва технологияларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида атрафлиқ маълумот берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.ДЎСТ БОШГА КУЛФАТ
ТУШГАНДА БИЛИНАДИ

Сўнгги кунларда Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида босқинчи тўлақон томонидан содир этилган хунрезлик, қотиллик, зуравонлик, қирғин, ўт қўйиш каби қабих ишлар ҳар қандай кишининг қаҳр-ғазабини кўзга таштайди. Бундай вазиятда лоқайд бўлиш, бефарқ қараб туриш асо мумкин эмас. Бу офатдан жабр кўрган Қирғизистоннинг фуқароси бўлган ўзбек миллатига мансуб минглаб кишилар Ўзбекистондан ёрдам сўраб келиди.

Андижон вилоятининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида жабрдийдаларга ёрдам кўрсатадиган лагерлар ташкил этилди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишда, айниқса аёллар ва болаларга зарур шарт-шароит яратилди.

Ўша муҳбири мазкур туманларда бўлиб, қирғизистонлик қочқинлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.

– Биз Ўзбекистон ҳалқи ва Президентидан жуда миннатдоримиз, – дейди ўшлик Насиба Мамаинова. – Ўш шаҳрида тинч аҳолига, хусусан биз, ўзбек миллатига мансуб кишиларга қаратилган қотиллик ва хунрезликлардан қалбимиз қаттиқ жароҳатланди. Кўз олдиндаги унингга ўт қўйилса, қондошларинг отиб ташланса, жуда оғир бўлар экан.

– Дўст кулфатда билинади, деган пурмаъно мақол бор. Бошимизга мусибат тушганда бизга бағрини очган, дардимизга шерик бўлган Ўзбекистон халқидан беҳад миннатдоримиз, – дейди жалолободлик Муҳаббат Зоитова. – Бу ерда шифокорлар соғлиғимизни назорат қилиб турибди. Озиқ-овқат, кийим-кечак – барча зарур нарсалар етарли.

Маҳалла фаоллари, оддий одамларнинг ҳолимиздан хабар олиб тургани бизга далолат бўлмоқда. Осузда ҳаётимизга раҳна солган, қотиллик, хунрезликларни ушатирилган тўқ кунларда ўз жазосини олади, деган умиддамиз.

– Ўшда содир бўлган қирғин-баротлардан сўнг тинчликнинг

қадрини янада чуқурроқ тушуниб етдик. Уйларнинг ёнаётгани, тинч аҳолига нисбатан ваҳшийликлар, болаларнинг кўзидаги қўрқув барчамизни даҳшатга солди. Ана шундай оғир кунда бизга Ўзбекистон катта ёрдам бераётгани билан мамлакатда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигини яна бир бор кўрсатади, – дейди 82 ёшли отахон Раимжон Алижонов. – Бундай кунларни душманамизга ҳам раво кўрмаймиз, – дейди аравонлик Ражабали Мирзаахмедов. – Ўзбек-қирғиз азалдан бир ариқдан сув ичган қондош халқ. Ана шу дўстликка раҳна солимоқчи бўлган бузғунчи кучлар ўзларининг ғаразли ниятларига ета олмаслиги аниқ. Оғир кунларда кексаларни, аёллар ва болаларни бағрига олиб, бошпа на бергани учун ўзбек халқидан миннатдоримиз.

– Ўш шаҳридаги масжидга жума кўни ўзбек миллатига мансуб бир неча отахонни отиб ташлашди, – дейди Маҳаммаджон Эгамбердиев. – Уйлар ёқиб юборилди. Биз ёрдам сўраб Ўзбекистонга келдик. Бизни бағрига олгани ва шарт-шароит яратиб бергани учун Ўзбекистон Президентида минг раҳмат.

– Ўзбек ва қирғиз халқи азалдан бирга яшаб келмоқда, – дейди "Маҳалла" жамғармаси Андижон вилояти Хўжаобод тумани бўлими раиси Каримжон Усмонов. – Ғаламислар ҳеч қачон бу абадий дўстликка путур етказа олмайди. Қўшимчадан бошга оғир кун тушганда қараб туролмаймиз. Чунки қирғизнинг уйига қирган мусибат – бу аввало яқин қўшни бўлиши ўзбекнинг оиласи-



КИБРАЙ ТУМАНИ

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Муҳофафа қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти туман кенгаши ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида миллий вақт ўтиш бўйича туман биринчилиги ўтказилди.

Унда 50 дан зиёд йигит ва қиз иштирок этиб, ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Шахсий биринчиликда йигитлар ўртасида спорт-техника клуби ва-

кили Д. Акбаров ғолиб бўлса, қизлар ўртасида 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Г. Эрматова энг яхши натижа кўрсатди.

Хуррият МҲМИНОВА.

«ФУРҚАТ» ҒОЛИБ

19 июнь – Халқаро болалар футбол кўни муносабати билан вилоятимизнинг барча ҳудудларида мусобақалар уюштирилмоқда. Жумладан, Қибрай туманида маҳаллааро футбол мусобақаси ўтказилди.

Унда 11 маҳалладан 11 та жамоа иштирок этди. Яқуний натижаларга кўра Фуқрат маҳалласи жамоаси энг юқори натижа кўрсатиб, ғолиб

бўлди. Совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди. Дилноза САЙФУДДИНОВА.

ЮҚОРИЧИРЧИК ТУМАНИ

СОҒЛИҚНИ ВАҚТИДА АСРАНГ

Туман "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Кавардон, Қора тухум ва Саксонота қишлоқларида яшовчи 1360 аҳоли тиббий куриклан ўтказилди.

Репродуктив саломатлик, камқонлик ва скрининг текшируви тўғрисидаги тарғибот ва ташикот аҳолига ҳар томонла-

ма фойдали бўлди. 800 дан ортиқ кам таъминланган оилага бепул доридармонлар тарқатилди. Хуршида МҲМИНОВА.

ТОШКЕНТ ТУМАНИ

ЖЎШИБ КЎЙЛАНАДИГАН МАВЗУ

Туман ҳокимлиги ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

25 иштирокчи Ватан ҳақидаги куй-қўшиқларни ижро этишди. 8 иштирокчи ғолиб бўлди. Энди

улар вилоят ҳудудий саралаш босқичида қатнашадилар. Феруза ТҲРАЕВА.

